



## ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

### IMPROVING INSTITUTIONAL MECHANISMS FOR ENSURING THE PROCEDURAL RIGHTS OF MINORS AND INTRODUCING THE INSTITUTION OF AN INDEPENDENT CHILD ADVOCATE

*Jurabek Mukhtorovich Tojiyev*

*Independent Researcher*

*Academy of Justice*

*Tashkent, Uzbekistan*

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** minor; criminal proceedings; legal representative; best interests of the child; independent child advocate; conflict of interest; procedural safeguards.

**Received:** 19.04.26

**Accepted:** 20.04.26

**Published:** 21.04.26

**Abstract:** The article analyzes the effectiveness of institutional mechanisms aimed at ensuring the procedural rights of minors in criminal proceedings. It substantiates the insufficiency of the formal model of legal protection for implementing the principle of the best interests of the child. The study highlights the formal nature of the legal representative's participation and the absence of a clear procedural mechanism for resolving conflicts of interest. Based on international standards, the necessity of introducing the institution of an independent child advocate is justified, and amendments to criminal procedural legislation are proposed.

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЎРНИ

*Жўрабек Мухторович Тожиёв*

*Одил судлов академияси мустақил изланувчиси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** вояга етмаган; жиноят процесси; қонуний вакил; боланинг энг устун манфаатлари; мустақил бола вакили; манфаатлар тўқнашуви; процессуал кафолатлар.

**Аннотация:** Мақолада жиноят процессида вояга етмаган иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашда институционал механизмларнинг амалий самарадорлиги таҳлил қилинади. Анъанавий формал модель боланинг энг устун манфаатларини

кафолатлаш учун етарли эмаслиги асослантирилади. Қонуний вакил институтининг амалда формал тус касб этаётгани, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларида процессуал кафолатларнинг аниқ механизми мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилади. Халқаро стандартлар асосида мустақил бола вакили институтини жорий этиш зарурати илмий жиҳатдан асосланади ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар илгари сурилади.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ПРАВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

*Журабек Мухторович Тожиёв*

*Независимый исследователь Академии правосудия  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
<p>несовершеннолетний; уголовный процесс; законный представитель; интересы ребенка; независимый представитель; конфликт интересов; процессуальные гарантии.</p>	<p>Эффективность институциональных механизмов обеспечения процессуальных прав несовершеннолетних в уголовном судопроизводстве. Обосновывается недостаточность формальной модели защиты прав ребенка для реализации принципа наилучших интересов. Выявляются проблемы формального участия законного представителя и отсутствие четкого процессуального механизма разрешения конфликта интересов. На основе международных стандартов аргументируется необходимость введения института независимого представителя ребенка и предлагаются изменения в уголовно-процессуальное законодательство.</p>

**Кириш.** Жиноят процессида вояга етмаган иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашда институционал механизмлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Анъанавий ёндашувга кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор, адвокат ва суд ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилса, ҳуқуқлар автоматик тарзда таъминланади.

Илмий адабиётларда мазкур масала болалар адлияси, инсон ҳуқуқлари ва процессуал адолат нуқтаи назаридан комплекс ўрганилган. Мазкур масала, айниқса, институционал иштирокчилар — тергов органлари, прокурор, суд, адвокат ва қонуний вакиллар фаолияти нуқтаи назаридан комплекс таҳлилни талаб этади.

Хорижий ҳуқуқшуносликда мазкур масала кенг ўрганилган. Хусусан, John Spencer ишларида жиноят процессида болалар иштирокида анъанавий процессуал моделлар самарасиз эканлиги қайд этилади. Унинг таъкидлашича, терговчи ва прокурорнинг классик айблов функцияси боланинг манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилмайди, чунки ушбу институтлар кўпроқ давлат айбловини таъминлашга йўналтирилган.

Ursula Kilkelly тадқиқотларида боланинг энг устун манфаатлари принципи (best interests of the child) институционал фаолиятнинг асосий мезони сифатида белгиланади. Унинг фикрича, суд ва прокурор ҳар бир қарорни боланинг индивидуал эҳтиёжлари, психологик ҳолати ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан баҳолаши шарт. Шу боис замонавий ҳуқуқий доктрина бола иштирок этган жиноят процессида институтлар фақат формал иштирокчи эмас, балки бола ҳуқуқларини фаол таъминловчи субъект сифатида ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Тадқиқотнинг мақсади — жиноят процессида вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашда институционал иштирокчилар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Материал ва методлар.** Тадқиқотда суд муҳокамасида жабрланувчи ва гувоҳ сифатида иштирок этувчи вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бўйича қонунчилик нормалари ва ҳуқуқшунос олимларнинг илмийназарий қарашларидан фойдаланилди ҳамда қиёсий-ҳуқуқий усул, таҳлил, синтез, кузатиш, умумлаштириш, индукция ва дедукция методлари қўлланилди.

**Тадқиқот натижалари.** ЖПКнинг 22-моддаси суриштирувчи ва терговчини далил тўпловчи ҳолис шахс сифатида кўради. Албатта, амалиётда суриштирувчи ва терговчининг фаолияти ва бажарадиган функцияси ушбу талабга тўлиқ мос келмайди. Айниқса вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларида суриштирувчи ва терговчининг айблов функциясини бажариши бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Сабаби вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларида суриштирувчи ва терговчи амалда сўроқ муҳитини белгилайди, болага босим даражасини шакллантиради, унинг психологик ҳолатига таъсир қилади.

Бирок, Пекин қоидалари 10.3 ва 14-бандлари терговчини айблов тарафидаги субъект эмас, бола ҳуқуқларининг фаол ҳимоячисига айлантиришни талаб қилади. Амалиётида эса суриштирувчи ва терговчи болага нисбатан катталарга мўлжалланган тергов стандартини қўллашининг ўзи процессуал хавф манбаига айланади.

Классик доктринада прокурор — қонунийликни таъминловчи субъект сифатида кўрилади. Лекин вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари юритувида қонунийликнинг ўзи етарли эмас бола манфаати устуворлиги талаб этилади.

Европа амалиётида прокурорлар вояга етмаганлар ишлари бўйича child rights screening ўтказди.

Child rights screening — бу жиноят процессида вояга етмаган иштирокчига нисбатан қабул қилинаётган ҳар бир муҳим қарорнинг боланинг энг устун манфаатлари, ёши ва психо-ижтимоий ҳолатига мослигини баҳоловчи, қарорга таъсир қилувчи ҳуқуқий текширув механизми бўлиб, у формал қонунийликни эмас, бола ҳуқуқларининг реал таъминланишини мақсад қилади.

Ҳар бир процессуал қарор (ушлаш, сўроқ, эҳтиёт чораси, юзлаштириш, реабилитация дастури) боланинг энг устун манфаатлари, ёши ва психо-ижтимоий ҳолатига мос келишини текшириш яъни боланинг энг устун манфаатлари таъминланиши устидан назорат тизими амалда мавжуд эмас.

Ш.Хамраеванинг давлат айбловчиси ўзининг музокара нутқини судланувчига тушунарли тарзда баён қилиб, келгусида судланувчига нисбатан самарали профилактик чораларни кўриш ҳақида фикр билдириши кераклиги ҳақида фикри [8, Б.15]ташқи жиҳатдан ижтимоий-педагогик мақсадларга хизмат қилаётгандек кўринса-да, унинг мазмуни жиноят-процессуал ҳуқуқнинг фундаментал тамойиллари нуктаи назаридан жиддий танқидий баҳолашни талаб қилади.

Сабаби, суд муҳокамасида давлат айбловчиси айбловни қўллаб-қувватловчи тараф функциясини бажаради. Унинг асосий вазифаси тарбиявий ёки профилактик таъсир кўрсатиш эмас, балки жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш ва жазони асослашдан иборат. Мазкур таклиф процессуал ролларнинг аралашувига олиб келади ҳамда айблов институтининг классик модели, айбсизлик презумпциясига таҳдид солиш эҳтимоли сабабли илмий ва норматив жиҳатдан етарли даражада асосланмаган. Бирок, давлат айбловчиси ўзининг нутқида жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий омилларни қайд этиши мумкин.

**Тадқиқот натижалари таҳлили.** Болалар масалалари бўйича комиссия институционал шаклланган тизим бўлсада унинг фаолияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд.

Жумладан, Болалар масалалари бўйича комиссиялар ўн тўрт ёшга тўлмасдан ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган, ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган даврда жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган даврда жиноят аломатлари бўлган қилмишлар содир этган, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган, ўн олти ёшгача бўлган даврда йўл ҳаракати қоидаларини бузган, бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган, ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги учун қонунчиликка асосан жавобгарликдан озод қилинган болалар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Шу билан бирга комиссия:

болага нисбатан жамоат тарбиячисини тайинлаш;

ўз ташаббуси, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, болаларни республика ўқув-тарбия муассасасидан муддатидан аввал чиқариш масаласини кўриб чиқиш;

болаларни афв этиш тўғрисида илтимос қилиш, уларни жавобгарликдан озод қилиш, уларга анча енгилроқ бўлган жазони қўллаш, уларни шартли равишда ҳукм этиш, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги тавсияномалар билан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига мурожаат қилиш;

жазони ижро этиш муассасаси билан биргаликда болаларни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тақдимномалар киритиш;

ички ишлар органлари билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ҳамда маҳкумни ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун юбориш тўғрисида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

жазони ижро этиш муассасасининг маъмуриятига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ вақтида сақлаб туриш шароитларини ўзгартириш ҳақида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш ваколатига эга. Бироқ бола ҳуқуқларига таъсир этувчи ушбу ташаббуслар процессуал эмас, маъмурий тартибда шаклланади.

Болалар масалалари бўйича комиссиялар профилактик вазифаларни бажарадиган маъмурий орган сифатида шаклланган бўлса-да, амалда улар жиноят процессининг айрим босқичларига таъсир этувчи квазисудлов функцияларни амалга оширмакда. Бироқ мазкур фаолият жиноят-процессуал кафолатлар билан тўлиқ таъминланмаган. Бу эса боланинг процессуал ҳуқуқий мақомини ноаниқ ҳолатга келтириб, унинг эшитилиш ҳуқуқи ва адолатли процесс кафолатларига хавф туғдиради.

Ҳозирги вақтда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий-ҳуқуқий ва жиноят-ҳуқуқий воситалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва рақобат масаласи баҳсли ҳисобланади. Бу, биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг ўзаро яқин, ҳатто айрим ҳолларда умумий объектларига эгаллиги, иккинчидан эса таъсир кўрсатишнинг асосан императив (мажбурий) усули умумийлиги билан изоҳланади [2, Б.17].

Вояга етмаганлар ишлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия зиммасига турли хусусиятга эга бўлган бир қатор вазифалар юклатилган бўлиб, уларни қуйидаги функционал комплексларга ажратиш мумкин: муҳофаза қилувчи, ижтимоий, ташкилий-методик ҳамда маъмурий-юрисдикцион. Мазкур вазифаларни умумлаштириш ва мақсадли қўллаш муҳим аҳамият касб этади [3, Б.16].

Вояга етмаганларни кучайтирилган ҳуқуқий муҳофаза қилиш турли усуллар орқали, жумладан, қонуний вакилларнинг иштирокини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, айнан жиноят процессининг судга қадар босқичларида вояга етмаганлар вакилликка энг катта эҳтиёжни ҳис этадилар, айти пайтда эса мазкур институтнинг ҳозирги кўринишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини лозим даражада ҳимоя қилишга қодир эмаслиги энг яққол намоён бўлади [5, Б.15].

Жиноят суд иш юритувида иштирок этувчи вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг муҳим кафолатларидан бири — уларнинг қонуний вакилларининг мазкур жараёнда иштирок этишидир.

жиноят суд иш юритувида вояга етмаганнинг қонуний вакили иштироки икки ҳолат билан боғлиқ:

вояга етмаган шахснинг процессуал лаёқати тўлиқ шаклланмаганлиги;

қонуний вакил (ота-она, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) вояга етмаган шахснинг тарбияси ва хулқ-атвори учун масъул эканлиги [7, Б.70-71].

Жиноят-процессуал фан доирасида қонуний вакил, педагог ва психолог анъанавий равишда “ёрдамчи иштирокчилар” сифатида қаралади. Улар болага тушунтириш бериш, уни тинчлантириш ёки формал ҳимояни таъминлаш функциясига эга деб ҳисобланади

(М.С. Строгович, В.М. Савицкий). Бироқ замонавий доктрина (Е.Б. Мельникова, С.Ю.Тетюев, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси) ушбу шахсларни бола ҳуқуқларини амалий таъминловчи марказий институтлар сифатида қарашни талаб қилади. Чунки бола ўз ҳуқуқларини мустақил амалга ошира олмайди — унинг “процессуал овози” айнан шу субъектлар орқали намоён бўлади.

Ёш болаларнинг вакилларига улар томонидан қабул қилинаётган барча қарорлар ва амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳақида мажбурий тарзда хабар бериш ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини вакил этилаётган шахсларга тушунтириб бериш мажбурияти юклатилиши лозим. Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганларнинг вакиллари эса жиноят суд ишларини юритиш жараёнида ўз ҳаракатлари ва қарорларини вакил этилаётган шахслар билан келишиб олиши шарт [6, Б.25].

Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг қонуний вакилига хос жиҳати шундаки, у жиноят процессида бир вақтнинг ўзида турли вазифаларни бажариши мумкин (қонуний вакил, ҳимоячи, фуқаровий жавобгар, гувоҳ). Қонуний вакилнинг процессда иштирок этиши эса, бир томондан, вояга етмаган айбланувчининг муомалага лаёқати чекланганлиги сабабли унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кучайтирилган тарзда ҳимоя қилишга хизмат қилса, иккинчи томондан, қонуний вакилларнинг ўзлари вояга етмаган шахснинг шахс сифатида шаклланишида қандай роль ўйнаганини аниқлаш имконини беради.

Анъанавий равишда қонуний вакилнинг иштирок этиши — болани ҳимоя қилиш механизми сифатида кўрилади, бироқ қонуний вакилнинг иштирок этиши вояга етмаганнинг энг яхши манфаатларини ҳар доим ҳам ифодаламайди. Жумладан, қонуний вакилнинг иштирок этишида қуйидаги эҳтимолий хавфлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди:

Қонуний вакилнинг вояга етмаганни манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича процессуал мажбуриятларини виждонан бажармаслиги (масалан адвокат билан алоқани чеклаш, психологик босим);

Агрессия ёки зиддият ҳолати — яъни гарчи муайян жиноят ишида кўринмасда вакил ва вояга етмаганнинг ўзаро муносабати вакилнинг иштирок этиши боланинг манфаатларига зид бўлса;

вакил ўзининг процессуал мақомидан вояга етмаганнинг манфаатларига зид равишда ёки ўзининг шахсий манфаатлари учун фойдаланиш эҳтимоли мавжуд бўлса.

Формал ёндашувга кўра, қонуний вакил (ота-она, васий) боланинг манфаатини ифода этади. Аммо бола ҳуқуқлари назариясига кўра қонуний вакил (ота-она, васий) иштирокининг мажбурийлиги эса ҳар доим ҳам боланинг энг устун манфаатларини кафолатламайди. Айниқса, қонуний вакил болага нисбатан назоратчи ёки жазоловчи позицияда, жиноят ишининг келиб чиқишида бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, боланинг психологик эҳтиёжларини англамаса, у ҳолда боланинг ҳуқуқлари институционал бўшлиқда қолади.

ЖПКнинг 60-моддаси 4-қисми вояга етмаганнинг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаган тақдирда, адвокатни жалб этиш чоралари кўрилишини белгиласада, бироқ мазкур вакил иштирокини давом эттирадими, чекланадими, тўлиқ четлатиладими деган саволларга жавоб бермайди. Натижада амалиётда қонуний вакил формал иштирокчи сифатида сақланиб қолади, у процессга таъсир ўтказишда давом этиши мумкин.

Бундан ташқари, қонуний вакилни алмаштириш ҳақида масала ким томонидан кўйилиши (суд, терговчи, бола, адвокат), қандай далиллар асосида ушбу қарор қабул қилиниши белгиланмаган. Бинобарин, қонунда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш асослари, қонуний вакилни вақтинча четлатиш ёки алмаштиришнинг процессуал механизми, шикоят қилиш кафолатлари, вояга етмаган учун мустақил ҳимоя механизми белгиланиши зарур.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ иштирокчи-давлатлар ўз зиммасига болани унинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлаш, бунда унинг ота-онаси, васийси ёки қонун бўйича унинг учун жавобгар саналмиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эътиборда тутишни ҳисобга оладилар ҳамда ана шу мақсадда барча қонуний ва маъмурий чора-тадбирларни кўрадилар.

Гарчи, ЖПКга кўра қонуний вакил иштироки мажбурий бўлсада, лекин унинг бола манфаатига зид ҳаракат қилиши текширилмаслиги, айниқса вояга етмаганнинг ота ёки онасининг уни жиноятга жалб қилган ҳолларда, муқобил институт йўқлиги, болани институционал ҳимоясиз қолдиради.

Шу боис халқаро ҳуқуқда (Бола ҳуқуқлари конвенцияси, Пекин қоидалари, Европа Кенгаши стандартлари) бола ҳуқуқларининг мустақил ҳимоячиси (“independent child advocate / guardian”) институти ишлаб чиқилган. Жумладан Европа Кенгашининг Болаларга

дўстона одил судлов ҳақида қўлланмасига мувофиқ агар қонуний вакил бола манфаатларини тўлиқ ифода этмаса, болага мустақил вакил тайинланиши шарт.

Германияда —Verfahrensbeistand, Англияда — Independent Child Advocate / Guardian деб номланадиган институт, бола билан ишлаш, суд ва терговга боланинг реал позициясини етказиш, адвокатдан фарқли равишда ҳимоя эмас, манфаатни ифода этиш функциясини бажаради.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаганнинг процессуал ҳуқуқлари ва энг устун манфаатларини ифода этувчи, судга ҳисобдор мустақил иштирокчига объектив зарурат мавжуд деб ҳисоблаймиз. Мазкур институт жиноят ишлари юритувида вояга етмаганларга нисбатан ихтисослашган институтлар(ювенал адлия) хозирча мавжуд бўлмаган шароитда компенсация қилувчи механизм сифатида хизмат қилади.

Фикримизча вояга етмаганнинг мустақил вакили қуйидаги ҳолларда мажбурий тарзда тайинланиши лозим:

1. қонуний вакил бола манфаатига зид позицияда бўлса;
2. вояга етмаган жабрланувчига нисбатан психологик босим хавфи юқори бўлса;
3. вояга етмаганга судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш эҳтимоли мавжуд бўлса;
4. вояга етмаганнинг ижтимоий-психологик ҳолати мураккаб бўлса.

Вояга етмаганнинг мустақил вакили процессуал, маслаҳат, назорат функцияларини бажариши лозим. Жумладан, процессуал функциялари боланинг ҳуқуқлари бузилаётганини судга ва прокурорга билдириш, тергов ҳаракатларида болага мос шароит талаб қилиш, боланинг фикрини процессуал шаклда етказиш, маслаҳат-қўмак функцияси болага процессуал тартибни тушунтириш, унга рухий ва маънавий қўмак бериш, назорат функцияси қонуний вакил психолог, педагог, жамоат тарбиячиси ва адвокат фаолиятининг бола манфаатига мослиги юзасидан ўзининг фикрини билдириш, болани қайта жароҳатланишининг олдини олишдан иборат.

Юқоридагиларга кўра, ЖПКнинг 60-моддаси 4-қисмига ўзгартириш киритиб, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш мақсадида, вояга етмаганга нисбатан мустақил бола вакили тайинлашини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фукарларда жиноят процессида иштирок этувчи вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакили сифатидаги ваколатларнинг вужудга келиши мазкур жиноят-процессуал муносабатлар иштирокчилари ўртасида муайян оилавий-ҳуқуқий характердаги муносабатларни белгилаб берувчи юридик факт билан боғлиқдир. Бизнингча, қонуний вакиллик мажбурий ва узлуксиз бўлиши ҳамда процессуал орган мансабдор шахсларининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда, вояга етмаган шахс жиноят суд иш юритувида иштирок этган пайдан бошлаб иш тугаллангунига қадар амалга оширилиши лозим [3, Б.89-97].

Қонуний вакилнинг иштироки терговчининг дискрециясига боғлиқ бўлмаслиги кераклиги ҳақида фикр умумий илмий концепция сифатида тўғри ва халқаро болалар ҳуқуқлари стандартларига мос келади. Бирок, оилавий-ҳуқуқий юридик факт — зарур шарт, аммо етарли шарт эмас, ваколатлар жиноят-процессуал қонун билан амалга оширилади. Айниқса, узлуксизлик ва мажбурийлик боланинг энг устувор манфаатлари принципи билан шартланиши лозим. Қонуний вакил боланинг манфаатларига зид ҳаракат қилган ҳолларда уни четлаштириш масаласида дискрецияни бутунлай инкор этмасдан, фақат уни тергов органларидан суд назорати соҳасига кўчириш заруратини кўриб чиқиш лозим.

Жиноят ишларини ўрганиш суд муҳокамасида қонуний вакилларнинг иштироки амалда, кўп ҳолларда, фаол процессуал иштирок шаклига эга эмаслиги, қонуний вакилларнинг иштироки аксарият ҳолларда суд мажлисида тингловчи сифатида ҳозир бўлиш билан чекланганлигини кўрсатади.

Ўрганилган жиноят ишларининг 85,8 фоизида қонуний вакиллар суд жараёнида мутлақо пассив иштирок этган. Жиноят ишларининг фақат 11 фоизида қонуний вакиллар суд муҳокамаси давомида юзага келган айрим масалалар бўйича ўз фикрларини билдирган, 3,2 фоиз ишда эса тарафларга саволлар берган, музокараларда иштирок этган. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда улар томонидан билдирилган фикрлар ва берилган кўрсатмалар, асосан, вояга етмаганнинг шахси ва унинг ҳаёт шароитига доир маълумотлар билан чекланиб, уларнинг ҳуқуқий позицияси ёки процессуал ташаббуси деярли намоён бўлмаган.

Қонуний вакилларнинг томонлар музокарасида иштирок этиш кўрсаткичининг ниҳоятда пастлиги эса ушбу институтнинг тарбиявий ва ҳимоявий функциялари суд муҳокамаси босқичида тўлиқ рўёбга чиқмаётганини кўрсатади. Бу ҳолат қонуний вакилнинг жиноят процессидаги роли, асосан, формал характер касб этаётганини, уларнинг иштироки эса кўпинча ҳуқуқий таъсир воситасига эмас, балки ташкилий талабни бажаришга айланиб қолаётганини англатади.

Шу тариқа, суд-тергов амалиёти қонуний вакилларнинг жиноят процессида иштироки вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган самарали процессуал механизм сифатида етарли даражада ишламаётганини кўрсатади. Бу эса қонуний вакил институтининг мазмун жиҳатдан қайта кўриб чиқиши, унинг процессуал ваколатларини аниқлаштириш ҳамда суд муҳокамасида фаол иштирокини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш заруратини тақозо этади.

Жиноят процессида қонуний вакил институтининг асосий вазифаси — вояга етмаган иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бирок мазкур институтнинг ҳуқуқий табиати нотўғри талқин қилинган ҳолларда вакилнинг процессуал ваколатлари боланинг шахсий процессуал ҳуқуқларини алмаштириш воситасига айланиб қолиши мумкин.

Айрим олимлар томонидан вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг ота онасининг иштироки ҳаққоний кўрсатувлар олишга тўсқинлик қилиши мумкинлигидан келиб чиқиб сўроқ қилишда қонуний вакилнинг иштирокига фақат терговчининг қарори билан йўл қўйилиши ҳақида фикр билдирилган.

Вояга етмаган гувоҳ иштирокида тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда қонуний вакилнинг ҳозир бўлиши унга нохуш руҳий кечинмалар етказилишининг олдини олиш имконини беради. Айниқса, агар у оғир ёки ўта оғир жиноятнинг гувоҳи бўлган бўлса, бу муҳим аҳамият касб этади. Вояга етмаган шахс ўзи учун ғайриоддий муҳитда бўлгани сабабли кучли ҳаяжон ва кўрқувни ҳис қилиши, содир бўлган воқеани қайта эслаш ва ҳикоя қилишда қийинчиликка дуч келиши мумкин, бундай ҳолатда унга яқин инсоннинг ҳозирлиги хотиржамликни таъминлаш ва руҳий тарангликни камайтиришга ёрдам беради. Ўз навбатида, вояга етмаган шахснинг яқин қариндошлари ҳам у сўроқда бўлган пайтда хавотирланадилар, шу боис тактик ёки ахлоқий хусусиятдаги эътирозлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, улардан бирининг вояга етмаган гувоҳ иштирокида ўтказилаётган тергов ҳаракатларида қонуний вакил сифатида қатнашиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади [9, Б.24].

Шу боис, қонуний вакил институтининг мақсади бола ўрнига ҳаракат қилиш эмас, балки боланинг шахсан иштирок этиши учун хавфсиз ва ҳуқуқий шароит яратишдан иборат деб қаралиши лозим. Бу ёндашув патерналистик моделдан функционал моделга ўтишни таъминлайди.

Қонунда вояга етмаганнинг қонуний вакили бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар тоифалари рўйхати назарда тутилмаган. Шу муносабат билан Авалиани К.А. ота-оналик

хуқуқларидан маҳрум этилган шахслар; вояга етмаганни жиноят содир этишга ундаган ёки унда у билан бирга иштирок этган шахслар, жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи бўлган шахслар, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинган шахслар, рухий касалликлардан азият чекаётган, муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган шахслар, шунингдек, уларнинг манфаатлари ўсмирнинг манфаатларига зид келадиган бошқа шахсларни иштирок этиши мумкин эмаслигини ЖПКда белгилашни таклиф қилган [1, Б.24].

Қонуний вакилнинг махсус процессуал мақоми билан боғлиқ яна бир муаммо гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари бўлмаган қонуний вакилни гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши билан боғлиқ.

ЖПКнинг 116-моддаси фақатгина гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик иммунитетидан фойдаланиши яъни гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлигини назарда тутди [10]. Қонуний вакил гувоҳлик иммунитетидан фойдаланувчи шахслар қаторида назарда тутилмаганлиги, вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий ҳимоясини заифлаштиради ва қонуний вакилнинг махсус процессуал мақомини тўлиқ инобатга олмайди. Доктринал нуқтаи назардан, қонуний вакил гувоҳ сифатида далил манбаи бўлишдан кўра, вояга етмаганнинг манфаатларини таъминловчи махсус процессуал субъект ҳисобланади. Қонуний вакил процессуал мажбуриятларга эга шахс сифатида мажбурий тарзда гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин, бу эса унинг асосий вазифаси — вояга етмаган манфаатларини ҳимоя қилиш билан зиддиятга киради.

Қонуний вакилни розилигисиз гувоҳ сифатида сўроқ қилиш имконияти унинг вояга етмаганга нисбатан ишончли муносабатларига путур етказиши ҳимоя функциясининг заифлашишига сабаб бўлади.

Қонуний вакилни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилиши қонуний вакил билан вояга етмаган ўртасидаги ишонч муносабатларини сақлашга хизмат қилади.

Шу боис, уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш истисно тарзида, фақат унинг розилиги билан, унинг асосий процессуал функциясига зарар етказмаслик шarti билан амалга оширилиши лозим.

Айнан шунинг учун бир қатор давлатлар қонунчилигида (мисол учун РФ ЖПК 428-моддасида) кўрсатув бериш қонуний вакилнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқ эканлиги белгилаб қўйилган.

**Хулоса.** Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалдаги институционал модель формал-ҳуқуқий ёндашув доирасида шаклланган бўлиб, у боланинг энг устун манфаатларини тўлиқ ва самарали қафолатлашга қодир эмас. Айниқса, қонуний вакил институти амалиётда кўп ҳолларда пассив ва формал тус касб этмоқда, манфаатлар тўқнашувини ҳолатларида эса аниқ процессуал механизмлар мавжуд эмас.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, қонуний вакилнинг иштироки боланинг ҳуқуқларини мустақамлаш воситаси бўлиши керак бўлгани ҳолда, айрим вазиятларда у боланинг мустақил процессуал позициясини чеклаш ёки институционал босимни кучайтириш омилига айланиши мумкин. Шу билан бирга, қонуний вакилни четлатиш ёки алмаштириш тартибининг ноаниқлиги, гувоҳлик иммунитетини билан боғлиқ масалаларнинг тартибга солилмагани ҳам боланинг ҳуқуқий мақомини заифлаштиради.

Халқаро стандартлар, хусусан боланинг энг устун манфаатлари принципи, бола ҳуқуқларини фақат формал ҳимоя эмас, балки амалий таъминлашни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, жиноят процессида вояга етмаган учун мустақил бола вакили институтини жорий этиш объектив зарурат сифатида намоён бўлади. Мазкур институт боланинг процессуал “овози”ни мустақил равишда ифода этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва қайта жароҳатланишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш концепцияси формал иштирок моделидан функционал ва манфаатга йўналтирилган модельга ўтказилиши лозим. Бу эса жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, қонуний вакил институтининг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда мустақил бола вакили институтини норматив жиҳатдан мустақамлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авалиани К.А. Особенности досудебного производства по уголовным делам в отношении несовершеннолетних. – М., 2009. – Б. 24. (Avaliani K.A. Peculiarities of Pre-Trial Proceedings in Criminal Cases Involving Minors. – Moscow, 2009. – p. 24.)

2. Бойко С.С. Административно-правовые средства защиты прав и законных интересов несовершеннолетних. – Ростов-на-Дону, 2011. – Б. 17. (Boyko S.S. Administrative and Legal Means of Protecting the Rights and Legitimate Interests of Minors. – Rostov-on-Don, 2011. – p. 17.)

3. Васюков В.Ф., Столярова В.В. К вопросу о процессуальном статусе заявителя в уголовном судопроизводстве России // Современное уголовно-процессуальное право

России – уроки истории и проблемы дальнейшего реформирования. – М., 2015. – Б. 89–97.(Vasyukov V.F., Stolyarova V.V. On the Procedural Status of the Applicant in Russian Criminal Proceedings // Modern Criminal Procedure Law of Russia – Lessons of History and Problems of Further Reform. – Moscow, 2015. – pp. 89–97.)

4. Деменчук Д.В. Административно-правовой статус комиссий по делам несовершеннолетних и защите их прав в Российской Федерации. – Москва, 2014. – Б. 16.

(Demenchuk D.V. Administrative and Legal Status of Commissions on Juvenile Affairs and Protection of Their Rights in the Russian Federation. – Moscow, 2014. – p. 16.)

5. Мартыненко С.Б. Представительство несовершеннолетних на досудебных стадиях уголовного процесса. – СПб., 2000. – Б. 15.(Martynenko S.B. Representation of Minors at the Pre-Trial Stages of Criminal Proceedings. – Saint Petersburg, 2000. – p. 15.)

6. Мартыненко С.Б. Представительство несовершеннолетних на досудебных стадиях уголовного процесса. – СПб., 2000. – Б. 25.(Martynenko S.B. Representation of Minors at the Pre-Trial Stages of Criminal Proceedings. – Saint Petersburg, 2000. – p. 25.)

7. Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция. Проблемы уголовного права, уголовного процесса и криминологии. – М.: Дело, 2001. – Б. 70–71.(Melnikova E.B. Juvenile Justice. Problems of Criminal Law, Criminal Procedure and Criminology. – Moscow: Delo, 2001. – pp. 70–71.)

8. Хамраева Ш.И. Биринчи инстанция судларида вояга етмаганларнинг жиноятлари хақидаги ишларни кўриб чиқишни такомиллаштириш. – Т., 2025. – Б. 15.(Khamrayeva Sh.I. Improving the Consideration of Cases on Crimes Committed by Minors in Courts of First Instance. – Tashkent, 2025. – p. 15.)

9. Цветкова Е.В. Несовершеннолетние участники уголовного судопроизводства. – Владимир: Изд-во ВлГУ, 2021. – Б. 24.(Tsvetkova E.V. Minor Participants in Criminal Proceedings. – Vladimir: VISU Publishing House, 2021. – p. 24.)

10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – URL: <http://lex.uz>.  
(Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. – URL: <http://lex.uz>.)